Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 29 апрель Чоршанба.
№ 32 (144125)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

А.С.АБДУРАҲМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ

ТЎҒРИСИДА

Абдуғофур Сатторович Абдураҳмонов Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил, 28 апрель

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Япония иқтисодий ташкилотлари Федерацияси /Кейданрен/ раиси, «Тойота Мотор Корпорейшн» корпорацияси раиси Шоичиро Тойода раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Мазкур нуфузли делегация таркибида Японияннинг «Мицуи и Ко.Лтд», «Марубени Корпорейшн», «Мицубиси Корпорейшн», «Сумитомо Корпорейшн» ва бошқа йирик компаниялари вакиллари бор. Таъкидлаш жоизки, бу япон йирик бизнесининг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билан қараётганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, тобора ривож топиб бораётган Ўзбекистон - Япония алоқалари ҳар икки мамлакат манфаатларига бирдек наф келтиришини қайд этди.

- Ушбу ташриф мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий, балки сиёсий ҳаётида ҳам муҳим воқеадир,- деди Ислом Каримов. - Мазкур делегация таркибида вакиллари бўлган таниқли корпорациялар ва бошқа фирмалар маҳсулотларини Ўзбекистонда ҳам жуда яхши билишади.

«Кейданрен» раиси Шоичиро Тойода қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Айни пайтда «Кейданрен» дунёнинг турли мамлакатлари билан халқаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини фаол ривожлантираётганини айтди.

Суҳбат чоғида йирик лойиҳаларни сармоялаш, транспорт, йўл коммуникацияси, сайёҳлик индустрияси ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош вазир Ўткир Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Умар Исмоилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Элёр Ғаниев ҳамда ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг раиси Рустам Азимов иштирок этди.

Қабул маросимида Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коичи Обата ҳозир бўлди.

ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 28 апрель куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг навбатдаги саммитида қатнашиш учун Москвага жўнаб кетди.

МДҲга аъзо мамлакатлар президентларининг Москва учрашуви 29 апрель куни бўлиб ўтади. Сафар олдидан мамлакатимиз раҳбари журналистларга интервью берди. Ислом Каримов мазкур учрашув МДҲнинг келгуси тақдири юзасидан томонларнинг қарашларини ойдинлаштириш учун катта имконият яратажагини айтди.

- МДҲ қандай бўлмоғи лозим экани тўғрисида биз ўз фикримизда доимо собитмиз. Ушбу Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлик мавжуд иқтисодий қийинчиликларни биргаликда бартараф этишга қаратилиши лозим. Афсуски, баъзи сиёсатчилар ушбу ҳамкорликка сиёсий тус бериш, ҳатто, МДҲни сиёсий-ҳарбий тузилмага айлантиришга қаратилган ҳаракатлардан ҳамон форғ бўла олмаяптилар. Бунинг тагида қандай мақсад ётгани барчага ойдин. Улар собиқ Шўролар иттифоқини қўмсаётган кимсалар. Сир эмаски, айрим давлатларда шундай ғаразли мақсадлар билан турли сўровлар ҳам ўтказилган. Баъзи сиёсатчиларни ўз мамлакати эмас, балки бошқа давлатлар тақдири кўпроқ қизиқтираётгани ажабланарли. Таъкидлаб айтмоқчиманки, бундай сиёсий ташаббуслар билан андармон бўлмасдан, ҳар бир давлат раҳбари ўз мамлакатининг иқтисодиёти, халқининг турмушини яхшилаш ҳақида қайғурмоғи лозим.

Мамлакатимиз раҳбари МДҲнинг келажаги масаланинг ана шу жиҳатларига қандай эътибор қаратилишига боғлиқ эканини айтди. МДҲнинг келгуси тақдири Москва учрашуви кун тартибидан жой олган асосий масалалардан биридир. Шунингдек, мазкур учрашувда томонлар Ҳамдўстликдаги айрим мамлакатларда давом этаётган можароларни бартараф этиш чора-тадбирлари юзасидан ўз қарашларини баён этади. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар имзоланади.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Пацев ҳам бор эди.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бошқармаси билан ҳамкорликда семинар-кенгаш ўтказди. Унга ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ижод қилувчи журналистлар таклиф этилди.

Анжуманда сўзга чиққан ички ишлар вазири ўринбосари Ш.Мавлонов, ички қўшинлар бошқармаси бошлиғи Х.Хожиматов, ''Ҳуррият'' газетаси бош муҳаррири Х.Дўстмуҳамедов, ''Ватанпарвар'' газетаси бош муҳаррири И.Абдукаримов ва бошқалар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, она-Ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти хусусида сўзладилар. Ҳарбийлар ва журналистларнинг ижодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун тавсиялар, маслаҳатлар берилди.

"Камолот" жамғармасида

АНДИЖОНДА САЙЛ

Андижондаги ''Ёшлик'' ўйингоҳида ''Камолот'' жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон мустақиллигининг етти йиллиги ҳамда ''Оила йили''га бағишланган санъат сайли ўтказилди. Икки кун давом этган тантаналарга вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари ёшларининг вакиллари таклиф этилди.

Андижон шаҳрининг ''Андиана'', Избоскан туманининг ''Олтин соз'' ва бошқа туманларнинг ашула ва рақс дасталари ёшларга ўз санъатларини намойиш қилдилар.

Шаҳар болалар боғчалари тарбияланувчиларининг вилоят ёшларининг ҳурматига сазовор бўлган, репертуарлари миллий руҳда суғорилган ''Мафтун'', ''Оқшом'', ''Жаноб Мирзо'' ва ''Ўзбой'' эстрада гуруҳларининг чиқишлари ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Анжуман иштирокчилари Бобур номли миллий боғда, Адабиёт ва Ўлкашунослик музейларида бўлиб, Бобур ва Чўлпоннинг рамзий қабрларини зиёрат қилдилар. Вилоятнинг кўзга кўринган адиблари ва санъаткорлари, адлия ҳамда ички ишлар ходимлари билан мулоқотлар ўтказилди.

А.Бакиров номидаги ёшлар театри жамоаси йиғилганларга спектакль намойиш этди.

М.ЭШОНБОЕВ,
''Камолот'' жамғармаси Андижон вилоят бўлими раисининг ўринбосари

ИСТИҚБОЛНИ ЎЙЛАБ

''Шарқ'' нашриёт-матбаа концернида ''Экспортга мўлжалланган рангбаранг китоб-журналлар ва газета маҳсулотларининг энг қулай технологик жараёнларини тайёрлаш'' халқаро илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Уни ''Шарқ'' концерни Бош директори, профессор И.Шоғуломов очиб, ''Хорижий компаниялар билан шерикчилик ва ижодий ҳамкорликни чуқурлаштириш келажакда ''Шарқ'' нашриёт-матбаа концерни ривожланишида асосий омил'' мавзуида маъруза қилди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти ректори, профессор Ҳ.Алимова эса мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурига биноан концерн учун зарур кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берди.

Фан ва техника Давлат қўмитаси ахборотлаштириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор А.Маҳмудов конференция қатнашчилари ва меҳмонларини республикамизда ахборот тарқатиш ишлари билан таништирди.

Конференция ниҳоясида концерн Бош директорининг ўринбосари О.Раҳимов йиғилганларга корхонада янги техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга қандай жорий этилаётгани хусусида гапириб берди.

Анжуманда Россиянинг ''ФоМОС НИИ Хомфотопроект'', очиқ турдаги ''Торжок'' матбаатчилик буёқлари заводи'' акционерлик жамияти, ''Одинцово'' корхонаси, украиналик ҳамкасблар ҳамда немис мутахассислари, ''Лисов А.Г.'' (Лихтенштейн), ''Итроко'' (Вена) фирмалари вакиллари, кўплаб матбаачи-ношир ишбилармонлар қатнашдилар.

Истиқболни ўйлаб ўтказилган мазкур анжуман келажакда кутилган натижаларни беришига ишончимиз комил.

Т.ҚУРБОН

АНЪАНАВИЙ ТАНЛОВГА ҲОЗИРЛИК

Мамлакатимизда ногиронлик масалалари бўйича халқаро семинар ва ногирон болаларнинг «Мафтункор бўёқлар олами» мавзуида Марказий Осиё бадиий кўргазмасини ўтказиш анъанага айланган.

Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги, «Енграг» халқаро инсонпарварлик жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси биргаликда ташкил этадиган бу хайрли тадбирни учинчи бор ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Ижтимоий таъминот вазирлигида ана шу тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда республиканинг мутасадди вазирлик ва идоралари, ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни ижтимоий таъминот вазири, мазкур қўмита раиси Баҳодир Умурзоқов бошқарди.

Тадбирни ўтказишдан мақсад Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги иқтидорли ногирон болаларни аниқлаш, уларнинг рассомлик қобилиятини юзага чиқариш, айни пайтда республика мутахассисларининг ногиронлар реабилитацияси билан боғлиқ янги технологияси, бу борадаги жаҳон тажрибаси билан таништиришдан иборатдир. Кўргазмада Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондан ҳам иқтидорли ногирон болаларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Танловда ғолиб чиққан ёш ижодкорлар ташкилий қўмита ва ҳомийларнинг мукофот ва қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлади. Бу галги тадбир Оила йилида ўтказилаётганининг чуқур рамзий маъноси бор. Унда танлов қатнашчиларининг ота-оналари ҳам иштирок этади. Зеро, халқаро семинар дастурига ногирон болалар тарбиясига оид маърузалар ҳам киритилади.

Халқаро семинар ва ногирон болалар расмлари кўргазмаси «Енграг» жамғармасининг Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Ийк-ота жамоа хўжалигининг маданий-маърифий соғломлаштириш марказида ўтказилади.

ЎзА

ҚОНУН БИЛИМДОНЛАРИ

Юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган ''Сиз қонунни биласизми?'' кўрик-танловининг Тошкент вилоятида минтақавий босқичи ўтказилди. Унда ғолибликка даъвогарлар -- Тошкент шаҳридаги 219-мактабнинг ''Қомус'' ва Тошкент вилояти Чиноз туманидаги лицей мактабнинг ''Адолат'' жамоалари куч синашишди. Беллашув натижасига кўра, ''Адолат'' жамоаси ғолиб деб топилди. Энди ''Адолат''чилар май ойида ўтказиладиган республика босқичида ўз билимларини яна бир бор синаб кўришлари мумкин.

Ш.САИДАЛИЕВ

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

* * *

Мамлакат Президентининг ''Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида''ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ''Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида''ги қарорига кўра Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилган эди.

Тошкентда мазкур уюшманинг таъсис қурултойи бўлди. А.Бобомирзаев республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси этиб сайланди.

* * *

''Маҳалла'' хайрия жамғармасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди. Ш.Темуров ўз аризасига кўра республика ''Маҳалла'' хайрия жамғармаси бошқаруви раиси вазифасидан озод этилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Шуҳрат Жалилов жамғарма бошқаруви раиси этиб сайланди.

* * *

Республика Бадиий академиясининг кўргазмалар залида Ўзбекистон халқ рассоми, Бадиий академия аъзоси Раҳим Аҳмедов асарлари кўргазмаси очилди. Унда машҳур санъаткорнинг турли жанрларда яратилган асарлари намойиш этилмоқда.

ДОЛЛАР ҚАНЧА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 28 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг қиймати белгилади. Унга кўра 1 АҚШ долларининг қиймати 85 сўм 85 тийин миқдорида белгиланди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

БИШКЕК. Қирғизистон тоғларида мавжуд бўлган юмшоқ базалт тошидан махсус ип олишнинг янги технологияси яратилди. Ушбу кашфиётнинг муаллифи Қирғизистон бош вазири Қ.Жумалиевдир.

Базалт тошидан ип олишнинг мавжуд технологияси учун қимматбаҳо платина ва радий металлари қотишмаси керак бўлар эди. Бунинг устига, мавжуд ип намуналари ёнганда ўзидан ўта заҳарли газ чиқарар эди. Янги технология эса қимматбаҳо металлардан фойдаланишга барҳам берибгина қолмай, атроф муҳит учун мутлақо зарарсиз бўлишини ҳам таъминлайди. Янги ип узилмайди, чўзилмайди. Ундан бронижилетдан тортиб шифер, арматура, эшик ва дераза ромлари, арқон, плита, газ қувурлари ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин, деб хабар қилади Қирғизистоннинг «КАБАР» ахборот агентлиги.

* * *

ОҚМОЛА. **Қозоғистон пивосини минтақада машҳур қилган «Алтин бидай» бирлашмаси яқинда Текели шаҳрида Чехиянинг «Чекомалт груп» корпорацияси билан ҳамкорликда пиво учун энг зарур қўшимча восита--солод ишлаб чиқарувчи заводни қайта таъмирлаб, ишга туширди.**

Йилига саксон минг тонна солод ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод эндиликда нафақат Қозоғистоннинг, балки Марказий Осиёдаги кўпгина пиво заводларининг ҳам солодга бўлган эҳтиёжини қоплаши мумкин, деб хабар қилади «КазААГ» ахборот агентлиги мухбири.

* * *

ДУШАНБЕ. Бирлашган тожик мухолифатининг раҳбари Саид Абдулло Нури Тожикистоннинг Қоратегин водийсига келди. Бу ерда мухолифат ихтиёрида бўлган қуролли кучларнинг аксарият қисми жойлашган.

Саид Абдулло Нури водий марказидаги Ғарм шаҳрида мухолифатчиларнинг дала қўмондонлари билан учрашади ва умумтожик қуролли кучлари тузиш йўлида ҳукумат билан олиб борилаётган музокараларнинг бориши ҳақида маслаҳатлашиб олади. Шунингдек, у Афғонистондан келтирилиб, ҳукумат қўшинлари таркибига киритиладиган мухолифат кучлари жойлашадиган ўринларни ҳам кўздан кечиради.

* * *

«КазААГ» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Жанубий Қозоғистон вилоятида жойлашган ҳарбий қисмдан бир рота аскар қочиб кетган.

Қочқинларни тутиш учун бир ҳафта вақт кетди. Маълум бўлишича, бунинг сабабчиси ротанинг командири катта лейтенант С.. экан. У аскарларга кечаю кундуз тинчлик бермай, уларни урган, тепган, ҳатто темир қувур билан савалаган. Ҳозир С..нинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

ДУНЁ сўнгги хабарлар

ХОРИЖДА

Покистон пойтахти Исломободда Афғонистондаги толибон ҳаракати ҳамда аксил толибон кучлари ўртасидаги музокараларнинг иккинчи куни якунланди. Учрашув давомида томонлар ҳарбий ҳаракатлар юритилишини узил-кесил тўхтатиб, асирларни алмаштириб олиш тўғрисида битим тузишлари кутиляпти. БМТ ҳамда Ислом конференцияси ташкилоти ёрдамида уюштирилган бу учрашувда толибон вакиллари илк бор мухолиф томон вакиллари билан жанг майдонида эмас, балки музокаралар даврасида учрашишга розилик берди.

* * *

Канада бош вазири Жан Критьен Кубага икки кунлик расмий ташриф билан келди. Канада ҳукумати вакилларининг таъкидлашича, Критьен ўз ташрифи давомида сиёсий маҳбусларни, жумладан ўтган ёз ҳибсга олинган демократик ҳаракатнинг беш нафар фаолини озод этиш ҳақида музокаралар юритиш ниятида.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг йиғилишида етти йил муқаддам Ироққа қарши эълон қилинган иқтисодий санкциялар қайта кўриб чиқилиши кутиляпти. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти санкцияларини Ироқ ҳукумати ўз ҳарбий объектларини текширувдан ўтказиш ҳақидаги шартларга тўла риоя қилганидагина бекор қилажагини билдирди. Ҳозирда кўп нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош назоратчиси Ричард Батлернинг икки ой давомида ўтказилган текширув натижаларини Кенгашга тақдим этилишига боғлиқ.

* * *

Америка Қўшма Штатларининг Яқин Шарқдаги махсус вакили Денис Росс Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ҳамда Исроил бош вазири Беньямин Нетаньяху билан учрашиб, келаси ҳафта Лондонда ушбу минтақада юзага келган танглиқни ечиш йўлларига бағишланган музокаралар ўтказиш ҳақида келишиб олди.

* * *

Бугун Шимолий Кореяга Жанубдан навбатдаги инсонпарварлик ёрдами келтирилди. Яқинда Хитой пойтахти Пекинда бўлиб ўтган музокара шартларига мувофиқ сўнгги 10 кун ичида Шимолга иккинчи бор озиқ-овқат ёрдами етиб келди. Ҳаммаси бўлиб эса Пхеньянга 6,5 миллон Америка доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади.

* * *

Аргентинада кучли сув тошқини давом этмоқда. Табиий офат туфайли мамлакатнинг шимолий-шарқида ҳозир эса жанубида ҳам ўн минглаб киши бошпанасиз қолди, 15 киши ҳалок бўлди. Ҳафталар давомида ёғаётган жала шундай кучли сув тошқинига олиб келди.

"Туркистон", ЎзА ва хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА

НАҲОТКИ... МИЛЛИОН СЎМ?!

Ҳа, билим маскани томорқасидан ҳар йили шунча даромад қилмоқда

Наманган туманида бир касб-ҳунар мактаби бор. Шўрқўрғон деган чеккагина қишлоққа жойлашган. Неча йиллар давомида мактабда аъло баҳога ўқиб, ҳунар эгаллаш мақсадида шу даргоҳни танлаган йигит-қизлар қаторида паст ўзлаштирувчи ўқувчиларга ҳам мажбуран бу ерга йўлланма беришарди. Бу ерни битқизгач, ҳужжат қўлига тегдими, кейинги тақдири ўзининг қўлида: хоҳласа ишлайди, хоҳламаса йўқ.

Бироқ, шундай ҳолат фақат эски тузумга хос бўлиб, юрагида ёшларга нисбатан меҳр-муҳаббат, жонсараклик мўлроқ муаллимларнинг виждонини қаттиқ азоблагани ҳам ҳақиқат. Ана шундайлардан бири Алихон ака Ғаффоров эди. Мустақиллик ҳар қандай изланишга, тадбиркорликка йўл очди. 13-касб-ҳунар мактаби директори Алихон ака бу имкониятлардан тўғри хулоса чиқарди. Охироқибат билимгоҳ нафақат туманда, балки вилоятда ҳам шуҳрат қозонди. Жамоанинг нияти -- бола фақатгина диплом эгаси эмас, ҳақиқий касб-ҳунарли бўлсин. Бунинг учун эса назарий билим билан бирга амалиёт ҳам зарур.

Мазкур 13-касб-ҳунар мактабида тракторчилар, слесарлар, ҳисобчилар, электрон ҳисоблаш машиналари операторлари тайёрланади. Демакким, бари бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ. Ер билан тиллаша олмайдиган, унинг шароитини англамайдиган киши ҳеч қачон бу соҳанинг нонини ея олмайди. Шунинг учун ҳам раҳбарият алоҳида ўқув хўжалиги ташкил этди. Мана, беш йилдирки, улар деҳқонлардан қолишмайдиган даражада экин экадилар, парваришлайдилар. Ҳам даромад оладилар, ҳам талабаларни шу соҳага яқинлаштирадилар.

Бугун касб-ҳунар мактабининг обрўси юқори. Ишлашга иштиёқмандлар ҳам бисёр, ўқишга ҳавасмандлар ҳам етарлича. Даргоҳдаги шароитларгина мана шундай эътиборга замин яратган. Бинонинг ички ва ташқи кўриниши дилни яйратади. Ўқув хоналари дид билан таъмирланган ва жиҳозланган, қай бирига кирманг, ижодий изланаётган ўқитувчиларга дуч келасиз. Бозор иқтисодиётининг ҳозирги шароитида энг ёмон нарса -- боқимандалик бўлиб қолди. Берсанг ейман... қабилида ишлаётганларнинг келажаги нурли эмас. Мактабда эса гатто ҳомий ахтарилмайди, суянганлари, ишонганлари шу ерлари.

Биргина ўтган йили умумий олинган соф даромад 4 миллион сўмни ташкил этди. Бу озгина пул эмас. 20 гектар майдондаги пахтадан 63 тонна ўрнига 109 тонна ҳосил етказиб беришди. Ушбу кўрсаткич туман бўйича энг юқориси бўлди. Пахтанинг ўзидан 2 миллион 390 минг сўм фойда кўришди. Шунингдек, 13 тонна буғдой етиштириб 520 минг сўм, маккажўхори дони ва силосидан 449 минг сўм, рапс уруғидан 470 минг сўм, 6 тонна картошкадан 120 минг сўм, мошдан 110 минг сўм даромад эгаси бўлдилар.

Хўш, бу ютуқларнинг омили нимада, нега қатор хўжаликлар ери, иқлими, шароити бир хил бўла туриб, қарз ботқоғидан қутулишмайди. Одамларнинг янги усулларга нисбатан фикри нима учун ўзгариб туради. Бу саволлар ҳар қандай кишини ўйлантиради, жавобини ахтаради. Алихон Ғаффуровда эса бунинг пухта ҳисоб-китоби бор.

-- Аввало, ҳар қандай раҳбар жамоани ўз ортидан етаклай билиши керак, -- дейди у. Ўзи билимдон, бошлаётган ишининг натижаси ҳақида тўла тасаввурга эга бўлсин. Ер эса меҳнатни, фидойиликни ёқтиради. Мана, бу йил 20 гектар майдонга плёнка остига пахта экдик. Уруғ бир текис униб чиқди. Талабаларнинг бўш вақти бесамар кетмаяпти. Ёш ниҳолларнинг "қаддини ростлаб" олиши учун тешикчаларни кенгайтиришяпти. Озгина вақт ўтгач ниҳол бўғзини тупроқ билан кўмиб чиқамиз. Шунда илдиз ости мустаҳкам бўлади, бегона ўт чиқмайди. Шу ўринда пудрат усулини ҳам ёқлагим келади. Агар эътибор берсак, аксарият пудратчилар режани олдинги ўринда, ортиғи билан уддалайдилар. Негаки, биз бажараётган майда юмушларни улар ҳам қилади. Ҳар бир нарсага ўзимники, деб қараш ҳамиша шундай натижа бераверади.

Кузда 3 гектар еримизга рапс эккандик. Ҳадемай ўриб-йиғиб оламиз. Чорва учун энг яхши озуқа ҳисобланади. 150 тоннача ҳосил берса керак. Килосини икки сўмдан сотсак ҳам 300 минг сўм нақд. Ўрни бўшаши билан шоли кўчат қиламиз. Бўлмади, деганда 15 тонна ҳосил беради. 450 минг сўмдан кам даромад бермайди. 5 гектар майдондаги буғдойимизнинг ривожи яхши. Донни йиғиб олдик дегунимизча ўрнига кечки картошка, сабзи, бодринг экамиз. Бир нарсани аниқ айта оламанки, **ҳар гектар майдондан камида 250 минг сўм даромадни бемалол олавериш мумкин.** Фақат бунинг учун тинмай ишлаш, тер тўкиш керак...

Директорнинг гапида жон бор. Қўшни хўжалик мутахассислари билан суҳбатлашсангиз, ҳар гектардан аранг 70-80 минг сўмдан даромад олишаётганини гапиришади. Бу ҳам техникага, ўғитга, уруғга, бошқа ҳаражатларга сарфланадида, яна бечора деҳқоннинг косаси оқармай турaверади. Аслида деҳқон бой бўлсагина мамлакат бой бўлади, деган гапнинг замирида жуда катта маъно бор. Деҳқонга ҳам вақтида маоши, рағбати таъминлаб турилса-чи, даласига аввалгидан ҳам эртароқ, ғайрат билан шошади.

Касб-ҳунар мактабида тикувчилик, этикдўзлик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, тегирмон, новвойхона ҳам йўлга қўйилган бўлиб, булар бириги 1997 йил давомида 735,5 минг сўм фойда келтирди.

Олинган даромад ҳисобидан ўтган йили муаллимлар ва ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофазалаш учун 1 миллион 97 минг сўм, ўқувчиларга моддий ёрдамга 518 минг сўм сарфланди. Шунингдек, мактаб учун "Тико" автомашинаси сотиб олинди. 115 нафар ўқитувчи-усталар бепул, 540 нафар ўқувчи жуда арзон нархда тушлик қилишади. Бундай шароит ҳозир камдан-кам ҳунар мактабларида учрайди.

Биз юқорида тилга олган билим маскани ҳадемай коллеж сифатида иш бошлайди. Айни кунларда тайёргарлик қизғин. Барча синф ва машғулот хоналари қайтадан жиҳозланаяпти. Боқимандаликдек жамият қусуридан ҳоли даргоҳда барча нарса табиий: ишлаш ҳам, яшаш ҳам.

Касбнинг ёмони йўқ, заҳматию, роҳати бор,деб бежиз айтишмаган. Шўрқўрғондаги касб-ҳунар мактабида ана шундай ибратли ишлар амалга ошириляпти. Биз бу даргоҳ жамоасининг фақатгина тадбиркорликларини қаламга олдик, холос. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ютуқлари ҳам бундан кам эмас.

Зоҳидахон КЕНЖАЕВА,
"Туркистон" мухбири

ИЖОДИЙ ИМТИҲОН КЕРАКМИ... КЕРАК!

Матбуот, оммавий ахборот воситаларига турли хил таъриф беришади. Айниқса, унга нисбатан "тўртинчи ҳокимият" ибораси кўп ишлатилади. Матбуот ходимларини эса адолат посбонлари, жамият шифокорлари дейишади. Бу бежиз эмас. Чунки, Матбуот давлат юритаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маърифий ислоҳотлар моҳиятини халқ оммасига содда ва равон тилда, тез вақт ичида етказиб берувчи, халқнинг қувончу ташвишларига шерик бўлувчи, юксак минбардир. Мустақиллик боиси, ҳур диёримизда ҳам оммавий ахборот воситаларига катта эътибор берилмоқда. Миллий матбуотимизнинг келажаги нечоғлик бўлиши бугунги кунда журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабаларга ҳам боғлиқ. Кейинги пайтда турли йиғинларда, давраларда, газеталарда журналистика факультетига талабалар қабул қилишда тест синовларига қўшимча тарзда ижодий имтиҳон ҳам киритилиши керак, деган фикр-мулоҳазалар ўртага ташланмоқда. Хўш, бу ҳақда талабалар, талабаликка даъвогарлар ва домлаларнинг фикрлари қандай? Уларга ТошДУ журналистика факультетига талабалар қабул қилишда тест синовлари қаторида ижодий имтиҳон ҳам жорий этишни қанчалик зарур деб ҳисоблайсиз, деган савол билан мурожаат қилдик...

Дилшод АСҚАРОВ, V курс толиби:

... -- Қани энди! Тилла топгандек суюнардим. Чунки, журналистика факультетига кейинги йилларда матбуотдан умуман йироқ ёшлар мақола билан репортажнинг фарқига бормайдиганлар ҳам кириб қолмоқда.

Чет мамлакатлардаги журналистика факультетига матбуотда ишлаб юрган, оз бўлсада тажрибаси бор талабалар олинади. Ўқиш улар учун малака ошириш мактабидир. Шундай экан, қатъий равишда абитуриентларнинг матбуотдаги чиқишларини ва ижодий қобилиятини ҳисобга олиб, имтиҳон ўтказиш вақти келди...

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ, III курс талабаси:

-- Мен анча олдинроқ бу ҳақда ўйлаб юрардим. Бу билан биз нимани ютишимиз мумкин-ку, нимани ютқизамиз. Факультет баъзи бир абитуриентлар учун "кўприк" бўлиб қолаяпти. Гапимнинг исботи учун бир воқеани эслаб ўтмоқчиман. Ўтган йили ёз ойида бир танишимнинг журналистика факультетига ҳужжат топширганини билиб қурсанд бўлдим. Кейин нега айнан шу соҳага "муҳаббат" қўйганини эшитиб ақлим шошди. "Маълум бўлишича, йигитча икки йил аввал Тиббиёт институтидан "йиқилган". Ўтган йили эса тарих факультетига ҳужжат топширмоқчи бўлса, у ерда талабгорлар сони анча салмоқли... Журналистикада эса рақобат камроқ, балл ҳам унчалик "даҳшатли" бўлмабди. У иккиланиб ўтирмай, журналистика факультетига ҳужжатларини топширган. Мени яна ҳам ҳайрон қолдирган нарса қабул қилиш ҳайъати аъзолари ундан ҳужжатларидан ташқари ҳеч қандай мақола сўрамаган... Ҳайрият журфак ҳам унга омад келтирмади. Агар тестдан ўтиб қолганда тўрт-беш йил кимнингдир ўрнини эгаллаб бефойда факультет эшигидан кириб чиқиб юрарди. Бундайлар ҳозир ҳам орамизда йўқ дейсизми?.. Баъзан ўртоқларимдан: "Укам ҳам журналистикага ҳужжат топширади. Агар кириб олса, ҳуқуқшунослик институтига "перевод" қиламиз", деган гапларни эшитиб ҳам қоламан... Буларнинг барчасига сабаб ўша ижодий имтиҳоннинг йўқлиги деб ўйлайман...

Яна бир таклифим... Менимча, ижодий имтиҳон 4-5 та мавзу асосида иншо ёзишдан иборат бўлиб қолмаслиги зарур. Ижодий имтиҳон абитуриент кутмаган тартибда олиб берилиши керак. Акс ҳолда иншони ҳам йўлини қилиб, кўчириб берадиганлар, ёки таниш-билишларидан фойдаланишга уринадиганлар пайдо бўлиши табиий. Ҳужжатлар қатори "материаллар" қабул қилишда ҳам жиддий ҳушёрлик зарур. Чунки ўша материаллар қайсидир туман ёки шаҳар газетаси ходимлари томонидан ёзиб берилган бўлиши ҳам мумкин.

Райҳоной ПИРНАЗАРОВА:

-- Мен шу кеча кундузда журналистика факультети толибаси бўлиш орзусида тест синовлари учун тайёрланаяпман. Агарда шунга қўшимча тарзда ижодий имтиҳон ҳам қўйилса кейинчалик пайдо бўлиши мумкин бўлган эътирозларга ўрин қолмасди.

Шерхон ҚОРАЕВ, II курс толиби:

-- ... Аллақачон амалга тадбиқ этиш лозим бўлган бу усул бугунги кунда жуда зарурлигини айтган ҳолда мазкур синов жараёнида таниш-билишликка йўл қўймаслик ниҳоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлашни истайман...

Ростдан-да, юқорида айтиб ўтилганидек, миллий матбуотимиз равнақига бўлган эътибор эндиликда янада ошиб бормоқда Ҳамма жойда, журналистикамизни хориждаги каби кучли ва обрўли қилишга эришишимиз, уни "тўртинчи ҳокимият" даражасига олиб чиқишимиз керак, дея кўп бонг урилмоқда. Худди шу ўринда такрор бўлсада, яна бир бор айтиб ўтишимиз керакки, энг биринчи эътиборни журналистика даргоҳларига (республикамизнинг бошқа вилоятларидаги журналистика бўлимларини ҳам назарда тутаяпмиз) қаратишимиз лозим. Чунки, бугунги кунда бу ерда таҳсил олаётган талаба эртага матбуотнинг эгаси бўлади. Ёки "юрт келажаги ёшлар қўлида" деган жумлани сал ўзгартириб айтадиган бўлсак, миллий матбуотимизнинг эртаси, келажаги нечоғлик бўлиши мана шу даргоҳдан учирма бўлаётган ёш мутахассисларга боғлиқдир.

Факультет декани, профессор Ҳамидулла АКБАРОВ ёшларнинг фикрларини шундай шарҳлади:

-- Газетангиз кўтариб чиқаётган мазкур масалани ҳал этиш борасида биз анча олдинроқ иш бошлаганмиз. Тест синовларига қўшимча тарзда ижодий имтиҳон ҳам ўтказиш бўйича бу ишга масъул раҳбарлар билан фикр алмашдик. Ҳозир бу масала Давлат тест марказида ҳам кўриб чиқилаяпти. Чунки, бу синов усулини баъзилар ўйлаётгандек, факультет ўзи қилиб қўяверiши мумкин эмас. Эскилар айтганидек, "Етти ўлчаб бир кесмоқ керак"... Абитуриентга ҳам оғирликни солмаслик зарур. Чунки, у табиийки, токи вақт етгунча тест синовларини ўйлаб яшайди. Шунинг учун ҳам абитуриентнинг ижодий қобилиятини синашда шундай усуллардан фойдаланишимиз лозимки, бу уни ортиқча қийнаб қўймасин... Сирасини айтганда, талабанинг журналистика касбига бўлган қизиқишини, лаёқатини аниқлайдиган ижодий имтиҳон хориж мамлакатлари университетларида аллақачондан бери мавжуд. У ерларда журфак талабалигига обдон элакдан ўтказилиб қабул қилинади...

Икки оғиз журналистика факультетида абитуриентлар бажариши лозим бўлган ўзига хос тартиб-қоидалар ҳақида гапириб ўтсам... Аввало ҳужжат қабул қилишдан олдин абитуриентдан шу пайтгача оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, тайёрланган материаллари сўралади. Агар амалга тадбиқ қилинадиган бўлса, тестгача бўладиган иккинчи синовимиз -- бу ижодий имтиҳондир. Бунда биз имкон борича факультетимиз талабаси бўлишни ният қилган абитуриентнинг қоғоз қоралашга қўли нечоғлик келиб қолганлигини, ёзиш услубини, техникасини ўрганамиз. Унинг оғзаки нутқини ҳам у билан алоҳида суҳбат қилиб, эшитиб кўрмоқчимиз. Чунки, бўлажак журналист аввало жамиятдаги ҳар бир воқелик ҳақида ўз шахсий фикрига эга бўлиши ва бу фикрини эркин, қисқа, лўнда тушунтириб бера олиши керак. Абитуриент умид билан ҳужжат топширади.

Ҳусан СУВОНОВ,
"Туркистон" мухбири

МАҲАЛЛА— ТАРБИЯ МАСКАНИ

Ҳар бир маҳалланинг симсиз телеграфлари бор. Қайсидир оилада бирор шодлик ёки ножўя ҳатти-ҳаракат содир этилса, зумда ҳамма бундай хушхабардан воқиф бўлади. Кимнинг фарзанди мўмин қобилу, кимнинг қизи сал тантиқроқ, албатта маҳалладошларга беш қўлдек аён. Шу боис ёшлар тарбиясида маҳалла аҳлининг, айниқса оқсоқоллару онахонларнинг таъсири кучлидир. Шуни инобатга олиб ҳукуматимиз маҳалланинг ёшларини тарбиялаш, маданий-маърифий, оммавий, ижтимоий-сиёсий ишлар маркази сифатида қарамоқда. Зеро маҳалла фуқаролар йиғинлари қўлидан келмайдиган иш йўқ.

-- Президентимизнинг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони фаолиятимизни янада кучайтиришимиз учун катта ҳуқуқ ва имкониятлар берди, -- дейди Чилонзор туманидаги 1-Қатортол маҳалла фуқаролар йиғини котиби Умаржон Одилов. -- Йўлбошчимизнинг бу ғамхўрлиги ва ишончни оқлаш учун биз айниқса ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор билан қараяпмиз.

Суратда: Маҳалла фуқаролар йиғини котиби Умаржон Одилов, қўмита раиси Аъзамқул Усмонов ва маслаҳатчи Мутал Азимов ёшлар билан суҳбатлашмоқда.

Суратқаш А. ГЕРАСИМОВ

ЁШ БАХШИЛАР

Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодкорлик марказида "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишлаб мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Алпомиш бўлай дейман --98" вилоят кўрик-танловида барча туманлардан 40 га яқин ёш бахшиларнинг қатнашуви кўпчилик учун янгилик бўлди. Чунки ҳатто ташкилотчиларнинг ҳам ичида бир ишончсизлик бор эди. Ёшларимиз замонавий куй-қўшиқ, эстрадага берилган бир вақтда бу танловда иштирок этишга хоҳиши бор ўқувчилар топилармикан? Топилса ҳам фақат Чироқчи-ю Деҳқонободдан келар, бошқа туманлар жим турар деб ўйлашганди.

Чўпон ўтовидек ясатилган кенг саҳнада деҳқонободлик Қодир бахши яратган достончилик мактабининг давомчилари -- Бобур номли мактаб ўқувчилари Шерқўзи Маматова Бойқобил Даминовнинг чиқишлари, Чироқчидаги 104-мактаб II-синф ўқувчиси Одил Эргашевнинг ширали овози, 3-синф ўқувчиси Санжар Чўбоевнинг дўмбирани маҳоратли чалиши, Касби туманидан келган Нодира номли мактаб ўқувчиси М.Худойназаровнинг санъати, Нишон туманилик Муқимий номли мактаб ўқувчиси Акбар Юсуповнинг қобилияти ана шундай ҳадикларга нуқта қўйди. Улар танлов ғолиблари бўлишди.

"Алпомиш" -- 1000

Ёш бахшиларнинг берилиб, залдагиларни, ўзлигини унутиб, бутун вужуди билан шеър, достон бўлиб, эшитувчиларни зир титратиб, сел қилиб айтган термалари, бағишловлари ва дўмбира сози шу кун барчани лол қолдирди.

Ёш бахшилар нафақат "Алпомиш" достонидан парчалар айтиб, балки мустақиллигимиз, юртимиз, Ўзлбошчимизга бағишланган ўз ижод намуналаридан ҳам айтишдики, кимга қандай ўрин беришга зукко ҳакамлар ҳам қийналиб қолишди.

"Алпомиш бўлай дейман" кўрик-танловининг иштирокчилари вилоят халқ таълими бошқармасининг дипломлари ва "Камолот" жамғармасининг махсус совғалари билан тақдирландилар. Танлов тугади. Аммо ёшларимизнинг достончиликка, халқ оғзаки ижодига, "Алпомиш" эпосига бўлган қизиқишлари, янги таассуротлар завқи унутилмас бўлиб қолади. Дўмбирани чертавер укам. Сен бор экансан, дўмбиранинг эртаси бор. Сизлар бор экансизлар, Алпомишлар куйлайверади, туғилаверади.

Солижон ИБРАГИМОВ,
"Камолот" жамғармасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси ўринбосари

Ажиб дунё

ТИШ БИЛАН ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ

Дунёнинг ишлари жуда қизиқ-да! Англиянинг Бристол шаҳрида дунёга келган чақалоқ тишлари билан туғилди. Алишия деб аталган бу қизча туғилганида унинг пастки милкларини иккита тиш безаб турарди. Доялар унинг онаси Сэлли Коллер хонимга тиш билан туғилган гўдакни сира кўришмаганини айтиб, унинг ёнига тез-тез киришар, чақалоқни кўриб кетишарди. Бу ҳодисадан ҳайратланган ҳакимлар чақалоқнинг тишлари тез орада тушиб кетади -- дейишди. Бироқ уч ой ўтишига қарамай, унинг тишлари ўсишда давом этяпти. Бола баъзан қўлини оғзига солганда тишлаб олиб, йиғлаб қолади. "Алишияни кўтарганимда ўзимни ҳам тишлаб олмасин, деб хавфсираб тураман", -- дейди онаси. Энг ажабланарлиси ҳамма нарса билан қизиққан инглизлар ўзбек Бўривойлари ҳақида эшитишмаган экан.

ЖАРГА ҚУЛАГАН БОЛАКАЙ

60 метр баландликдан тоғ орасига йиқилиб тушган олти яшар бола омон қолди. Бу воқеа у ота-онаси ҳамда опаси билан Швейцария Альпида чанғи учаётганида содир бўлди. Чанғичилар тик қияликдан пастга тушишгач, мундоқ қарашса ораларида кичкина ўғиллари йўқ. Уни қидириб топишолмади. Шундан кейин қутқарувчиларга мурожаат қилишди. Қутқарувчилар улар чанғида учган йўналиш бўйлаб қидириб, болани чуқур жарликдан топиб олишди. Болакай тушиб кетган жар тагида қор қалин бўлганлиги учун унинг ҳеч қаери шикастланмаган экан.

Хориж хабарлари асосида
БАХТИЁР тайёрлади

"ВАТАННИНГ БЎЛАЖАК ҲИМОЯЧИЛАРИ"

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида "Камолот" жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ташкил этган "Шунқорлар" ҳарбий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлди.

Мусобақа бошланишидан аввал мусобақани ўтказиш раҳбари Рустам Қосимовдан ушбу ўйинларнинг қанчалик зарур эканлиги ҳақида сўрадик.

-- "Шунқорлар" ўйинлари бўлажак солдатларни ҳарбий қисмларда хизмат қилишларини енгиллаштиради, -- деди капитан Қосимов. Улар бу ўйинлар давомида ҳарбий хизмат бўйича дастлабки амалий машғулотларни ўтайдилар.

Ҳозир бизнинг Олий қўмондонлик билим юртида ўқиётган ёшларнинг 90 фоизини ўзбек йигитлари ташкил этади. Шулардан ҳар йили 10 фоизидан ортиқроғи "Шунқорлар" мусобақасида иштирок этган ёшлардир.

Мусобақа тартибига кўра қатнашчилар ҳарбий юриш, юқорига тортилиш, 100 метрга югуриш, граната улоқтириш, ўт очиш қуролларини қисмларга ажратиш ва йиғиш каби спорт турлари бўйича куч синашадилар. Мазкур машқларни бенуқсон бажариш иштирокчилардан ҳарбий билим, чаққонлик, жисмонан бақувватлик ва сабр-матонатни талаб қилади.

Мусобақада иштирок этган 19 команда ичида биринчиликни Бўстонлиқ тумани ёшлари, иккинчи ўринни Паркент тумани ва учинчи ўринларни Чиноз командалари эгаллади. Иштирокчилар учун аскарлар ошхонасида тайёрланган таомлардан татиб кўриш насиб этди.

Вилоят "Камолот" "Ватанпарвар", "Нуроний" жамғармалари, Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими бўлими, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширдилар.

Ажаб савдолар

СОВУННИ "ТУЯ" ҚИЛИШДИ...

Ие, совунни ҳам туя қилиб бўлармикан, дейсизми? Ҳа, шунақаси ҳам бўларкан.

Пешку туман халқ таълими бўлимида меҳнат таълими методисти бўлиб ишлаб юрган Иброҳим Баракаев шу бўлимда таъминотчиликка ишга ўтдию, айниди қолди. Ахир, кимсан 38 та мактаб, 42 та мактабгача тарбия муассасаларининг таъминотчиси. Бировга ганч керак, бировга кўмир, охак, яна бировга совун. Илтимос билан келувчиларнинг сон-саноғи йўқ. Буни яхши тушуниб етган И. Баракаев даврнинг келди, ўйнаб қол, қабилида иш тутмоқчи бўлди. Текин ўлжа деса ўзини томдан ташлайдиган ҳамтовоғи, омбор мудири Акрам Турсунов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, қинғир йўллар билан бойлик орттиришни орзу қилди. Ўйлаб-ўйлаб мактаблар учун келган совунни гумдон қилиш режасини тузишди. Шу ниятда улар 13 ва 6 сон мактаблар хўжалик мудирлари Акром Гулов ва Ҳалил Қаҳҳоровларга 500 дона совун ёзиб, 250 дона беришди ва умумий қиймати 11 минг 850 сўмлик маҳсулотни ҳазм қилишди. Навбатдаги ниятларини амалга оширмоқчи бўлганларида эса туман прокуратураси ходимлари уларнинг ниятини пучга чиқаришди. Ушбу шикоят ишқ суд мажлисида кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 167- модда 3-қисми билан ҳукм қилиниб, қонун олдида ўз жазосини олдилар.

Бутун мамлакатимиз бўйлаб "Таълим тўғрисида"ги қонун ва кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурини амалга тадбиқ этиш учун қизғин ишлар кетаётган бир пайтда бундай ўқитувчи кимсаларнинг учраши оқ матога тушган қора доғдек кўзга хунук кўринади. Энг ачинарлиси, ўқитувчидек шарафли касб эгалари шаънини булғайди.

Б. ОРИПОВ,
Пешку туман суди раиси

"ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ --

МИЛЛАТ ФАРОВОНЛИГИ" шиори остида, Юқори Чирчиқ тумани Маданият уйида адабий бадиий кеча бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари "Камолот", "Маҳалла", "Экосан" жамғармалари туман бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси ходимлари бўлишди.

Унда "Оила ва унинг муқаддаслиги", "Ҳар бир оила -- Ватаннинг ажралмас қисми" каби мавзуларда суҳбат ҳамда савол-жавоблар бўлиб ўтди. Туман марказий кутубхонасида ҳам "Оила -- муқаддас даргоҳ" деб номланган тадбир бўлди.

Жўра МАҲМУД

Устоз шогирд ҳақида

СЎЗ ЖАРАНГИ

Алишерга дадаси дер:
-- Тилинг мунча ҳам ширин?
-- Шоколад еган эдим,
Қандай билдингиз сирин?!

Ушбу шеърни ўқиганингиздаёқ, майин ва ширин кулгу уйғонади. Чунки шоир кичкина воқеанинг тасвири билан -- ота ва фарзанд ўртасидаги меҳрни, уларнинг ёшига хос, мос бўлган мулоқотни, мушоҳадани жонлантира олган. Жонлилик эса яхлит ва мукаммал. Натижада қалбингизда уйғонган илиқлик, одамжонлик ортиқча изоҳ талаб қилмайди.

Шундай хислатни "Ўзидан сўранг", "Қизиқ воқеа", "Жўжа", "Сездириш" каби ихчам шеърларда ҳам кўриш мумкин. Уларда ҳам фикрнинг, ифоданинг равшанлигига олиб келган, ғоянинг аниқлиги қисқаликни, унинг эркин парвозини, ҳиссий таъсирини ўткирлаштирган:

Ўнта сабзи бор эди
Ярмини қўён еди.
Қани айт-чи, Сотволди,
Сабзилар нечта қолди?

У эса ҳайрон бўлиб
Муаллимнинг сўзидан.
Дер: -- Мен еганим йўқ-ку,
Сўранг унинг ўзидан.

Кўраяпсизми, боланинг ҳаётига, характерига, тилига хос хусусиятлар -- поэтик мушоҳада тарзига айланади; табиийлик ва самимийлик касб этади. Завқли ва беғубор кулгу (боланинг жавобидан туғилган кулгули ҳолат) маъно салмоғини, мантиқийликни тўлақонли бўлишига ёрдам беради. Болалар қалбига хос беғуборлик, олижаноблик, қувноқлик, мушоҳадасига хос -- соддадиллик, тезкорлик, кутилмаган хулоса чиқариш ва шу кабилар шоир қалбида орифона жилоланади.

Келтирилган шеърлар битта хулосани асослайди: Ориф болалар дунёсидаги кулгили ҳолатни, драматизмга бой қувноқ кулгуни топа билади. Фикрни (ғояни) ана шу кулгуга ўраб, ширин қилиб поэтиклаштиради. Бу унинг ижодидаги -- етакчи фазилат, бош пафосдир. Ана шу хислат -- Ориф Тўхташни тез танитди, кўплаб совринларни олишга имконият яратди, болаларнинг севимли шоирига айлантирди. Демак, Орифдаги бу ўзига хослик қанчалик ривожланса, камол топса, ёнса, унинг уста санъаткор бўлишига шунчалик ёрдам беради.

Нур бор-ки, соя ҳам бор. Шодлик бор-ки, ғам ҳам бор. Шоир Ориф Тўхташ ижодида ҳам бадиий қусурлар учрайди.

Маълумки, адабиётда бирламчи маъно, сўнг шу маънонинг калити -- сўз. Сўз юк кўтарганда азиз. У маъно юкини қанча кўп кўтарса, кўтарганда ҳам зўриқмаса, унинг ҳолатидан жозиба ва ёниқлик ёғилиб турса -- ўша сўз хазина, ўша сўз тирик нафас, ўша сўз жон, ўша сўз ҳақиқат, ўша сўз абадий адабиятдир. Шоир ана шундай сўзларнинг ижодкори, фикрга мутаносиб сўзлар сеҳрининг кашфиётчиси бўлиши керак.

Холбуки, Ориф "Чумоли" шеърида, чумоли меҳнатидан лол қолади ва "омбордаги ғаллани талаб кетгани" учун "Меҳнатсевар ўғри" дея ном беради. Натижада икки хил тушунчани ташувчи, бир-биридан рад этувчи маъно, бир-бирини тақозо этмайдиган сўзлар ноўрин "ёпиштирилади". Ўғри майлига "зийрак", "кучли", "пихини ёрган", "устаси фаранг", "нафси ҳалак отган" бўлсин. Лекин ўғри меҳнат қилиб чарчамайдиган, меҳнатни севадиган бўлмайди, балки бировнинг нарсасини эгасига билдирмасдан ўзлаштирувчи, текинхўр бўлади. Ўғриликни пардозлаш, нотўғри талқин қилиш, беҳуда сўзамоллик китобхонни чалкаштириши, ишончига шубҳа солиши турган гап. Чунки "Меҳнатсевар ўғри" тушунчаси ёлғон ҳақиқатлигини ҳамма англайди. Дил тил билан боғланмайди. Натижада сўздаги ҳолатлар фикрдаги ҳолатларни келтириб чиқаради. Фикрдаги хато эса асарни нурсизлантиради.

Ориф баъзи шеърларида ҳаётий ва адабий мантиққа етарли риоя қилмайди. Мақсади аниқ бўлмагани учун, фикри чувалашади. Асар "семириб", айтиладиган маъно ёйилиб, сочилиб кетади. Болалар тушунчасини, одобни гўзаллаштиришдан кўра, уларни қўрқитади, панд-насиҳатни унутиб, ёмон хулққа етаклайди. Мана "Меҳрибон доктор" шеъри:

Қўлга олиб телефон
"Ноль уч"ни терди сичқон.
-- Алло, болам еб асал,
Бўлиб қолибди касал.
Аҳволи оғир бирам
Тезроқ келсин "тез ёрдам!"
Доктор мушукча келди,
Касални ушлаб кўрди.
-- Ҳозир даволаймиз, -- деб,
Думидан тишлаб кўрди.
Онасини ҳам тутволди,
Бирга қилиб ютворди.

Кулгуга ўралган ақл -- "хос маъно" ҳикматга, сабоққа, нурга, эзгуликка тўлиши лозим; шунинг йўлида тер тўкиш керак; реал асос чуқур ўрганилмас экан, ундан тарбияга оид хулоса кашф этилмас экан, шеър яратувчанлиги йўқолади ва у шоирга бўлган ихлосни пасайтиради.

"Болалар учун китоб ёзадиган киши ғоят уста санъаткор, катта тажрибали педагог, тилнинг заршуноси бўлмоғи керак". Тўққиз ёшидан шеър ёза бошлаган Ориф Тўхташ ана шу ҳақиқатни ичдан ҳис қилган, чуқур англаган. "Ҳар доим бўлсин қуёш", "Ғунчалар табассуми", "Бойчечак" тўпламларида босилган ва "Қуёш йўли" (Самарқанд, 1995 йил) китобидаги шеърлар, уларнинг сараланиб, қайта ишланиб мукаммаллаша бораётгани исботидир. Ўзбек филологиясида ўқиб, сўзшунос ва тажрибали педагог бўлишга интилаётган -- одамохунлиги ҳам далилдир. "Чин сўз чиннидай жаранглайди" деганларидек, Ориф Тўхташнинг шеърлари очиқ қалбларда гул ундирсин! Кулгуси завққа тўлдирсин!

Ҳотам УМУРОВ,
профессор



Кўнгилдаги болалари

"ҚАНИ, КИМ МЕН БИЛАН БЕЛЛАШАДИ?"

Суратка ш: Абдувоҳид ТЎРАЕВ

Шуҳра

Қўчқор НОРҚОБИЛ

САБОК

Тур болама, тур болам,
Йиғлама бас, зўр болам.
Ай, бу йўллар азобли,
Йиқил, фақат кўр, болам.

Кўксингни тут тиғлара,
Осмон кўрсин қонингни.
Дилни едир зоғлара,
Аямагин жонингни.

Тилингни ют, тишни е,
Беркит ичга ўкинчни.
О, ғажилган юракка
Тенгма чархи ўткинчи.

Йиқил... йиқил... тур тағин,
Ўзгин қисмат шаштидан,
Чида...
учса тишларинг
Қабрларнинг ғиштидай.

Ўлдир... куйдир... тилкала
Жонингдаги жаврни.
Ўт бўл, бир кун топасан
Ҳаёт деган сабрни.

Келдик ўзни қовуриб
Фалакларга отмоққа...
Ота-бола қаро кун
Бир-бировни сотмоққа.

Бола, очгин кўзингни
Хароб қилмай оғу сўз,
Кипригингга осилар
Қирқ туяни чўктирган
Қирқ макрли маккор қиз.

О, севгиси куйдирар,
Ун олтима, ўн саккиз,
Сен дунёни тўлдириб
Куйлаб юборгунг шаксиз.
Сўнг...
гулларинг сўлийди,
Қўлинг ҳатто қотилдир.
Йўқ,
шунда ҳам йиғласанг,
Менинг болам ёт улдир.

Ўғлинг ҳижрон бўлади,
Қизинг бўлади ҳижрон.
Отанг ҳижрон бўлади,
Энанг бўлади ҳижрон.
Тағин тишла... тишингни,
Зардобларинг мўл бўлар.
Кўзингда дард қайиғи
Сузар, кўзинг кўл бўлар.

Бир силтана, Ўн силтан,
Ўзни ема, ул, силтан.
Чил-чил тўкил, зил букил,
Улим, бир бор қул,
силтан.

Чирпираб кетсин замин,
Тоғ бўласан болам-а.
Сен кўксингни тоғ
қилсанг,
Тоғни бўрон олама?!

Ҳақ деб ёнгил, разолат
Сўйса сўйсин, индама.
Сен улимсан, бошингни
Эл деб қўйсанг кундага.

Болам, сенга ёрилдим --
Мен, Сен Юрак ўртада.
Бугун шундай яшасак,
Ўлсак майли эртага.

МАҒЛУБИЯТ

Фақат жуда майда эди қур,
Майда эди рақибларим ҳам
Наҳот менга шу келар тенгқур
Ким бу жангни таъқиқлар эркам.

Кетдим десам, қўрқоқлик бўлар
Курашмоқ ҳам нақадар уят
Бошим узра маломат қулар --
Нега титраб турар орият.

Шарт ўртага отилиб кирдим.
Афсус, шулар менга тенг бўлди --
Ҳаммасини битталаб тердим.
Аммо ўзим ўздан енгилдим.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

** Аҳамиятсиз масалалар устида бўлар-бўлмасга тортишиш, бамисоли шамол билан олишувни эслатади.*

**Узоқни кўзловчиларнинг кўпчилиги ҳатто олдидан оққан сувнинг қадрига етмайди.*

** Ака-укалар қўлингдан бирор иш келишига ишонсагина атрофингда парвона бўлишади.*

** Ортиқча семириш на соғлиқ, на ақл учун зарур, аксинча унинг турганбитгани ғалва.*

** Қўлидан иш келмайдиган одам ўзини уддабурон қилиб кўрсатса, асло ажабланма.*

** Эзгулик ёмонлик соясида қолиб кетгани -- инсон фикри ўтмаслашгани белгиси.*

** Узоқ вақт дийдорлашмаган шахснинг ёқимли хислатлари камайгани сезилса, демак у билан бошқача муомала қилмоқ лозим.*

** Кўз-кўзга тушганда самимий бўлиб, орқангдан ғийбат қилувчи одамлар билан алоқани узган маъқул.*

** Сени тушунмаса, бошингни тошга уришдан фойда йўқ.*

** Бировнинг хизматини ўзингники қилиб кўрсатиш, бамисоли ғарқ бўлаётган кемада сузиш каби хавфлидир.*

** Ёлғизликни ёқтирганлар ўзларича дунё ташвишларини бир зумда ҳал қилмоқчи бўлишадию, аммо барча ҳаракатлари зое кетганини кеч англашади.*

** Зўрма-зўраки қутловчиларнинг гапи қовушмаса, билки нияти ҳам холис эмас.*

** Ўзгалар фарзандининг қусурлари дарров аён бўлсада, ўз болангникини бир умр англамай ўтиш мумкин.*

** Садоқатли бўлиш талаб қилинмаганидек, унга зўрлаб эришилмайди.*

** Манманликка ўқитилмайди, аксинча бунинг учун кимгадир тақлид қилинади.*

** Ҳис-ҳаяжонга берилганда ақлни йўқотмаган одамгина ғолиб чиқиши мумкин.*

** Бировга ишониб доғда қолгач, кўп нарса англаб етилади.*

** Кимгадир тақлид қилиб яшовчилар, бир умр ўзгалар юкини кўтариб юришади.*

** Ҳар қандай шароитда ҳам ғам ва қувончни ўз ўрнида идрок этмоқ фойдадан холи эмас.*

Ислом УСМОНОВ

ДЎСТЛИК РИШТАСИ

Эй жаҳон аҳли ҳамиша, меҳрибон дўст орттиринг.
Асли сирдош ҳам кўмакдош, мисли жон дўст орттиринг.

Янги кийим, эски дўстлар, қариндошлар яхшидир,
Хуш феъл, хуш хулқ мулойим, бол забон дўст орттиринг.

Ширин суҳбатларда сирдош, ўлтиришнинг нақшидир,
Ҳам имонли, эътиқодли, бегумон дўст орттиринг.

Халқ мақоли дўстсиз одам, асли илдизсиз дарахт,
Гул экиб гулзор яратган, боғбон дўст орттиринг.

Тоғ каби бойликдан афзал, аҳли дўст, ширин калом,
Оташин сўзим азизлар, жонажон дўст орттиринг.

Камтарин ҳотам сиёқли, нақди жон дўст орттиринг,
Шошийдек меҳмоннавозу, қадрдон дўст орттиринг.

Сиддиқхўжа ШОШИЙ,
Тошкент шаҳри

Ёши етмишларга яқинлашиб қолган машҳур ёзувчи бир неча ой олдин хасталаниб, охири чап томони шол бўлиб қолган эди. У кенжа ўғли Жавоҳир, келини Дилором ва эндигина тўртга кирган невараси Жамила билан яшар эди. Келини гарчи қайнотасини хуш кўрмаса ҳам, уни едириб, ичириб, эртаю кеч унга қарашга мажбур эди ва шу тариқа кунни ўтказарди. Ўғли газетада ишлар, эрта кетиб, кеч келарди. У отасининг касбини олган ва эндигина биринчи ҳикоялар тўплами чиққанди. Катта акалари ва опаси Дилбар аллақачон оилали -- рўзғорлари бўлак бўлиб кетишган, оталаридан гоҳида хабар олишга келишар эди.

Охирги кунларда ёзувчининг ўнг қўли ҳам яхши ишламайдиган бўлиб қолди. Дилором қайнотаси мудом ўтирадиган ногиронлар аравачасини орқасидан итариб, одатдагича, стол ёнига олиб келди. Кейин пиёлага чой қуйиб, унга узатди.

Ёзувчи титраётган ўнг қўли билан пиёлани олдида:

-- Раҳмат, энажон, -- деб бир ҳўплади. Шунда қўли куйдими титраб кетдими, идишни тушириб юборди.

-- Вей, бу нима қилганингиз? -- деб чийиллаб юборди келин пиёла синиқларига қараб. -- Кунига бир нарсани синдирасиз-а.

-- Ўзи тушиб кетди, энажон. Билиб қилганим йўқ, -- деди ёзувчи.

-- Э, худойим, не кўргулигим бор экан. Дугоналарим ёзи билан дайдиб, дам олиб юришади. Мен эсам эртаю кеч бу каляска билан ораман. Ота-онам мени шу ниятда узатишган эканми...

-- Энажо-он.

-- Нима деганингиз бу? -- чирсиллаб қўлини пахса қилди келин. -- Энажон, энажон. Лоақал келин денг!

-- Менга бақирманг, келин, илтимос, -- деди адиб. -- Эрингизнинг раҳматли онасиям менга қаттиқ гапирмасди, жойи жаннатда бўлсин... Тўғри, кейинги пайтларда куним сизга қолди. Сиз менга ёш боласига қараётган онадай қараш яяпсиз. Бизнинг юртда "она"ни -- "эна" дейишади. Шунинг учун мен сизни онамдек кўриб, "энажон" деб гапираман. Майли, хоҳласангиз, келин дейман. -- У нафасини ростлаб олиб, давом этди: -- Биз ҳам ёшлигимизда, раҳматли қайнонангиз билан дам олиш уйларига борардик. Кавказми, Қримми... Биринчи марта Булгорияга боргандик... Биламан, ҳозир эрингизнинг иши унча юришмаяпти. Буни устига, мен инвалид бўлиб қолдим... Лекин ҳали ёшсизлар, ҳаммасига улгурасизлар.

-- Қариганда курортни бошимга ураманми, -- деб юборди Дилором. -- Яна мазах қилгандай Кавказга, Қримга, Болгарияга борганман дейсиз, тавба.

-- Мазах қилаётганим йўқ, энажон.

Шу пайт эшик очилиб, Жавоҳир билан Абдурайим -- ёзувчининг шогирди кўринди.

-- Ассалому алайкум, -- Дилором уларни қаршилаб четланди.

-- Ваалайкум ассалом, -- деди тўладан келган, бошига оқ қалпоқ кийган Абдурайим.

-- Тинчликми? -- деб тўнғиллади Жавоҳир хотинига.

-- Товушинг эшикни у ёғидан эштиляпти.

-- Тинчлик, -- деди Дилором ерга қараб.

-- Салом алайкум, дада.

-- Салом. Қалайсан, улим?

-- Яхши. Мана, йўлда шогирдингиз билан учрашиб қолдик. Сизни зиёрат қилгани келаётган эканлар.

-- Устоз, устоз, омонмисиз? -- Абдурайим қўлини кўксига қўйиб, ёзувчининг ёнига келди.

-- Э, менинг содиқ шогирдим, -- деди ёзувчи. -- Ўтир диванга. Марҳамат.

Шогирд ўтирмасдан давом этди:

-- Қишлоқда сиз тўғрингизда ҳар хил гаплар юрипти. Одамни қўрқитиб юборишди. Кейин...

-- Қишлоқ - қишлоқ-да... Хўш, яна нима гаплар? Ҳойнаҳой, ўлдига чиқаришгандир мени?

"Туркистон" қалдирғочлари

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

ЁЗУВЧИНИНГ СЎНГГИ КУНЛАРИ

ҳикоя

Бу орада пиёлаларга чой қуйган Дилором дивандан жой олган эри билан меҳмонга манзират қилди.

-- Ростини айтсам, устоз, ҳа... -- деди шогирд. -- Қайси иплосдан тарқаган бу гап, билмайман. Аммо жиянларингиз ҳам эшитган. Улар ҳам хавотир олиб йўлга чиқишаётган эди. Бугун ё эртага етиб келишса керак.

-- Ёзувчи ҳорғин бош ирғади.

-- Ўзи, мундоқ қарасам, ўликдан фарқим қолмади.

-- Ундай деманг, дада, -- деди ўғил.

-- Нималар деяпсиз, устоз! -- деди Абдурайим.

-- Ўнг томоним ҳам фалаж бўлиб қолди.

-- Ҳаммаси яхши бўлади, устоз. Мени айтди дейсиз, сиз ҳали юз йил яшайсиз. Ҳали шундай нарсалар ёзасизки...

Ёзувчи кулиб юборди. Шу пайт Дилором патнисда мева-чева, нон, ширинликлар олиб кириб, столга қўя бошлади.

-- Дада, ҳозир негадир Ғофир аканикига борганингиз эсимга тушиб кетди, -- деди Жавоҳир.

-- Қайси Ғофир аканг?

-- Киноактёр-чи?

-- А, уми...

-- Шу бир куни денг, Абдурайим ака, дадам билан Ғофир аканикига бордик, -- деб ҳикоя қила бошлади Жавоҳир юзланиб. -- Олтмиш йил ичида саксонга яқин турли-туман рўлларни ижро этган машҳур актёр ўлим тўшагида ётар эди. Рак касалига йўлиққан экан. Озиб кетган, кўзлари чўкиб қолган. Ёнида "Ҳамза" театрининг беш-олтита актёрлари. Ҳаммасининг гапираётган гапи битта: "Яна юз йил яшайсиз. Яна кўп рўллар ўйнайсиз!" Шунда Ғофир ака кўзини очди-да, дадамга: "Шавкат, омонатини олмаяпти-ку?" деди. Дадам бўлса: "Парво қилма, Ғофир, барибир олади", дедилар. Шунда ўламан деб ётган Ғофир ака кулиб юборди.

-- Эсингда экан-да, улим, -- деди ёзувчи.

-- Ҳа энди, отангиз доим мард бўлиб, бор гапни гапирардилар-да, илжайиб Абдурайим.

-- Яна мени мақтаяпсанми, Абдурайим?

-- Бор гап-да, устоз.

-- Айтмоқчи, Абдурайим, Жавоҳирнинг яқинда китоби чиқди, эшитдингми?

-- Ҳа, устоз. Ҳозиргина лифтда табриклаган эдим. Биринчи марта "Ёшлик" журналида қиссаси чиққанда ҳам жуда хурсанд бўлган эдик.

-- Мен ҳам хурсанд бўлган эдим, -- деди ёзувчи. -- Ҳарқалай, болаларимнинг биттаси йўлимдан кетишини орзу қилардим.

-- Мана, орзуингизга етдингиз, устоз, -- табриклаган бўлди Абдурайим. -- Энди Жавоҳирни Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиш керак, менимча.

-- Ҳа, буям бор.

-- Эсингиздами менинг аъзо бўлишим?

-- Албатта.

-- Биласизми, Жавоҳирбек, -- деб энди Абдурайим ҳикоя қила кетди. -- Менинг иккита китобим чиққан эди ўшанда. Кўп кекса ёзувчиларга маъқул бўлмаган экан. Шунинг учун котибият мажлисида ўтирганларнинг кўпчилиги уюшмага ўтишимга қарши чиқди. Ана шунда отангиз, -- у фахр билан устозга қаради, -- ўринларидан турдилар-да... Кечагидек эсимда: оғизларида сигарет, кастюмни елкага ташлаб олган эдилар. Ростини айтсам, озгина отиб олгандилар ҳам... Шу денг, қўлларини кўтариб, бармоқлари билан мени кўрсатдилар-да: "Шу йигит ўтади!" дедилар. Кейин каридорга чиқиб кетдилар. Шу...

-- Абдурайим, мени ортиқча мақтаб ҳижолат қиляпсиз, -- деди шунда ёзувчи. -- Бошқа гаплар ҳам борми дунёда?

Жавоҳир чойдан бўшаган пиёласини столга қўйди.

-- Дада, кеча байрам билан табрикалагани кимлар келишди? Мен газетага навбатчи эдим, келганимда уҳлаётган экансиз.

-- Э-э, кўп одам келди. Акаларинг билан опангни айтмаса, қолганлари... келмасаям бўларди.

-- Нимага?

-- Биттаси, депутат бўламан, ишончли вакил бўлинг, дейди. Бошқа бир бизнесмен, биринчи кўришим, уялмай-нетмай: "Гонорарини ўзим тўлайман, мен ҳақимда китоб ёзиб беринг", дейди. Яна бир полвон: "Сизни режиссёрлар танийди, гапингизни икки қилишмайди, тақсир. Амир Темур рўлига мени тавсия этсангиз", дейди. Дачангиздаги қурилишниям бўйнимга оламан, дейди... Билмадим, мени ким деб ўйлашади улар. Бир эски танишим ҳам келди. Ўзи ёзувчи эди, вақтида яхши нарсалар ҳам ёзган. Кейин тижоратга уриб кетганди. Уф.

-- У нимани сўради?

-- Маслаҳат... "Эртаю кеч пулимни кўпайтиришни ўйлайдиган бўп қолдим. Бошқа ҳеч нарса калламга кирмайди... Ёзгим келади-ю, нимани ёзишниям билмайман. Бой бўлдим-у, ёзишдан маҳрум бўлдим", дейди. Нима қилай, деб маслаҳат сўради.

-- Бирон маслаҳат бердингизми, устоз? -- деди Абдурайим қизиқиб қолиб.

-- Ҳа. "Ҳозирги ҳолатингни ёз", дедим. "Ёзолмаётганингни ёз". "Қандай қилиб шу аҳволга тушганингни ёз", дедим.

-- Ниҳоятда ақлли гап бўлипти, -- деб қўйди Абдурайим.

-- Яна бир деҳқон йигит келди. Боғда яшаган пайтларимда менга ёрдам берар эди. Кетиши олдидан уч-тўртта сигарет сўрарди. Гоҳида кийимларимдан ҳам берар эдим. Кеча у: "Туфлим йўқ", деганди, бир туфлимни бериб юбордим.

-- Қайси туфлингизни, дада?

-- Ҳалиги кўкиш-чи...

-- Вей, у эскимасди-ку.

-- Кўявер болам, менга туфлининг нима кераги бор. Кўриб турибсан-у. Ундан кўра, бирон-бир нарса ёзаяпсанми, шуни айт.

-- Бошлаганман, ёзиб бўлганимдан кейин кўрсатаман.

-- Сен менинг гапларимни кўпроқ эшит, улим. Мен билган нарсаларни -- фақат мен биламан... Яқинда бир дўстим келганди. Ҳар хил нарсалар ҳақида гаплашдик. Гап орасида: "Ижод нима бўляпти?" десам, у: "Шавкатжон, ҳамма нарса очилиб бўлди-ку? Энди нимани ёзиш мумкин?" деб жавоб берди. Кўрдингми, адабиётни қандай тушунади у. Одам, Инсон -- уни қизиқтирмайди. Ҳолбуки Одам -- сирларнинг сири, сирлар маконидир. У дўстим Совет ҳукумати даврида унинг сиёсатини мақташ билан овора эди. Кўрсатмага қараб ижод қиларди... Лекин, мен... болам, биласан, у ҳукуматни мақтаб бир жумла битганим йўқ. Ўшандаям шу каллам бор эди. Мен сендан хурсандман, пулга қизиқиб, бозорга чопаётганинг йўқ.

(Давоми бор)

БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОР

Ота-боболаримиз орномусли, танти, жасур ва мард йигитларни "белида белбоғи бор" деб таърифлашган. Японларда ҳам шундай. Шарқона кураш тури бўлган каратэ санъатини қай даражада эгаллаганига қараб белбоғ тақдим этишади. Ана шу хусусиятлар эгаси бўлган Ҳамроқул Худойбердиев тинимсиз машқлар натижасида 1-ДАН "қора белбоғ" соҳиби даражасига эришди. Бу ҳазилакам иш эмас. Ўтган йили Прага шаҳрида ўтказилган каратэчиларнинг беллашувига жаҳоннинг 44 мамлакатидан келган ёшлар қатори мустақил Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш учун Каттақўрғон туманида маҳаллий ёшларга каратэ сирларини ўргатаётган мураббий -- Ҳамроқул Худойбердиев ҳам қатнашди.

Ҳамроқул Англия, Франция, Босния-Герцоговина, Югославия, Бельгия, Норвегия сингари еттита хорижий давлатларнинг мана мен деган каратэчилари билан курашга тушди. Мусобақа олдидан унга сабоқ берган устозлари, шогирдлари, умид билан олис юртга кузатиб қўйган ёру-биродарлари, мустақил Ватан олдидаги бурчи куч, мадад бериб турғандек бўлди. Кураш ниҳоятда шиддатли ўтди. У I,II,III ўринлар учун бўлган беллашувларда ғолиблик қилиб финалга чиқди. Аммо халқаро мусобақаларда биринчи марта қатнашаётгани учунми ёки ҳали маҳоратининг етишмаганлиги туфайлими, у Норвегия командасининг аъзоси Мартер Прессига очколар бўйича ютқазди ва III ўрин соҳиби бўлиб, она юртига қайтди.

-- Ҳамроқул, японлар дунёга тақдим этган бу гўзал кураш турига қачон ишқингиз тушган?- сўрадик ундан.

-- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида ўқиб юрган кезларимда 1992 йилдан бошлаб каратэ тўгарагига қатнаша бошладим. Ўзбекистон каратэ федерациясининг раиси, 5-ДАН "қора белбоғ" соҳиби Владимир Петрович Миронов ва III-"қора белбоғ"ли Қудрат ака Даутовдан сабоқ олганман. Мен улардан нафақат каратэ сирларини, балки инсонийлик, камтаринлик каби хусусиятларни ўргандим.

-- Мана сиз ҳам бугунги кунда устозсиз. Устозга баҳо беришда шогирдлар асосий мезон бўладилар.

-- Мингга яқин ёшлар тўгарагимиз аъзоси. Улардан бир нечтаси мураббий сифатида ёнимда иш олиб бормоқда. Республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этишяпти. Шогирдларимдан 12 нафари вилоят, 5 нафари республикада ўтказилган мусобақаларда совриндор бўлиб қайтишди. Масалан, Саид Элмуродов, Элмурод Мардонов, Тоҳир Нажимов, Жамшид Элмуродов, Дилшод Абдуллаев, Спартак Турдиев, Отабек Каримов, Нилуфар Ҳайдарова, Мадонна Гатауллина ва бошқалар шулар жумласидандир. Албатта бу кўрсаткичларимиз юқори эмас, бироқ бошланиши ёмон эмаслигидан далолатдир.

-- Каратэ сизга нима берди?

-- Менинг фикримча каратэ -- бу энг жозибадор, гўзал санъатдир. Демак санъат экан, санъаткор зўравонлик қилиш учун эмас, ўз маҳоратидан завқланиш учун меҳнат қилади. Бунинг натижасида инсон танаси бақувват, соғлом, эпчил бўлиб ривожланади, руҳий тетиклик вужудга келади. Бизнинг федерациямизда қатнашаётган ёшлар онгда каратэни оддий спорт тури эмас, балки катта санъат мактаби сифатида сингдиришга ҳаракат қиляпмиз.

-- Келажакдаги ўй-режаларингиз...

-- Франциядан, Югославиядан, Исроилдан махсус таклифномалар келган. Америка кино ва каратэ юлдузи Чак Норрис -- IFAF федерацияси мусобақаларига ҳам таклиф этишяпти. 1998 йилнинг июль ойида бўлиб ўтадиган Манфаг чемпионатида қатнашиб, совринли ўринлардан бирини эгаллаш умидидаман. Лекин мени ўзимдан кўра туманимиздаги "каратэ-до" федерациямизда шуғулланиб, маҳоратини оширган шогирдларимнинг кейинги тақдири кўпроқ қизиқтиради. Истардимки, улар ўз маҳорат ва тажрибаларини жонажон Ватанимизнинг манфаати учун сарфласалар. Армиямиз сафида хизмат қилаётган кўпчилик йигитларимизнинг жисмоний тайёргарликлари кўнгилдагидек эмаслиги сир бўлмаса керак. Ўзим ҳарбийда ҳайдовчи бўлиб хизмат қилганман. Қисмимизда каратэдан хабари бўлган чечен ва грузин йигитларининг мардлиги, довюраклиги ва шижоатига ҳавасим келарди. Ишончим комилки, бугун федерациямизда шуғулланган маҳаллий ўзбек йигитларимиз жисмоний тайёргарликда жаҳоннинг энг юқори савиядаги жанговар армияси сафидаги аскарлардан қолишмайди.

Яқинда Каттақўрғон тумани ҳокими Мухтор Ёрқулов туман ёшларини спорт билан шуғуллантиришдаги хизматларини ҳисобга олиб, Ҳамроқул Худойбердиевни туман спорт қўмитасининг раиси этиб тайинлади.

Самад ТОҒАЕВ ва Мирёқуб ҚОБИЛОВлар суҳбатлашди

Кикбоксинг

ЭГИЗАК ҒАЛАБА

"Туркистон" газетасининг олдинги сонларидан бирида (18 апрель) "Эгизаклар Қозоғистонга боради" сарлавҳали хабар эълон қилинган эди. Унда Тошкент шаҳрининг Кўзи ожизлар жамияти қошидаги "Биллур" спорт мажмуида 1980-1985 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида кикбоксинг бўйича республика биринчилигида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган Юсуф ва Аҳмад Ҳаққиевларнинг Қирғизистонда бўлиб ўтадиган халқаро турнирга бориши айтилган эди.

Бухоро вилоятининг чекка бир туманида тавваллуд топган бу эгизаклар таҳририятга қувонч билан кириб келишди. Уларнинг хурсандчилигини тушунса бўлади. Чунки эгизаклар кикбоксинг бўйича Бухоро вилоятидан чиққан биринчи олтин медаль соҳибидирлар.

Қирғизистоннинг Александровка шаҳрида ўтказилган халқаро турнир республикада спортнинг, айниқса кикбоксингнинг ривожига самарали улуш қўша олган, Евроосиё чемпиони Сулаймон Башиза ҳотирасига бағишланди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларининг ўн олти жамоасига жамланган 270 дан зиёд спортчи ғолиблик учун майдонга тушишди. Жамоалар бўйича Қирғизистоннинг "Тундо" терма жамоаси ҳамда "Гермес" жамоалари биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашган бўлса, қозоғистонлик кикбоксингчилар тўртинчи ўрин билан кифояланишди.

Кикбоксинг бўйича жаҳон чемпиони Акмал Зоқиров раҳбарлик қилган Узбекистон терма жамоаси учинчи ўринни олган бўлсада, умумий ҳисобда энг кўп медаль соҳиби бўлди. Жамоа Тошкентга бешта олтин, тўртта кумуш ва бешта бронза медаль олиб қайтди. Шунингдек, ғолибларга қимматбаҳо эсдалик совғалари, дипломлар ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

Эгизакларнинг овлоқ бир тумандан халқаро мусобақаларгача босиб ўтилган машаққатли йўлида уларга ушу-санъдо бўйича спорт устаси, таэквандо бўйича қора белбоғ соҳиби, республика тоифасидаги ҳакам, шарқона якка курашнинг моҳир жанги чиси Қурбон Қурбонов доимий ҳамроҳлик қилди. Устоз ва шогирдлар ўртасидаги дўстона муносабат, тинимсиз машқлар, узоқни кўзлаб қилинган ҳаракатлар бугун ўз натижасини берди.

Шоҳруҳ МИРЗО

Суратда: Юсуф ва Аҳмад Ҳаққиев устозлари Қурбон Қурбонов билан.

Суратқаш: А.ГЕРАСИМОВ

Спортимиз юлдузлари

Миллионлар ўйини

ЕТТИНЧИ ТУР ҲАЯЖОНЛАРИ

Куни кеча олий лига жамоалари еттинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Мавсумда аудсайдерлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаб олган чемпионимиз МХСК жамоаси бу сафар Бухорода ўз сўзини айтди. VII миллий чемпионатда ҳатто пешқадамларни ҳам тўхтатиб қўяётган "Бухоро" жамоаси ўз майдонида ҳарбийлар билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаши мухлислар ва мутахассислар учун кутилмаган натижа бўлди. Ўз навбатида бу учрашув нафақат мазкур турнинг, балки VII миллий чемпионатнинг ҳам шов-шуви бўлди, дейиш мумкин. Ўтган йилги "Юлдуз"ларидан айрилган тошкентликларнинг таркибини бугун ёшлар (ўринбосарлар) эгаллашган ва улар бу йил чемпион деган ном остида майдонда ҳаракат қилишмоқда.

Бир ҳисобда, тўп думалоқ, майдон текис, деган мақолни эслаб, нима бўпти, дейиш ҳам мумкин. Лекин мазкур учрашув баъзи ишқибозлар кўнглида шубҳа уйғотиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Хўш, бухороликларни ҳарбийларга ён бериш сабаблари нимада? Ёки ҳарбийлар "уйғондиларми?" Бизнингча, бунинг бирдан бир сабаби мезбонларнинг меҳмонларга нисбатан беписанд тўп сурганларида бўлса керак. Бундай "шуҳратли юришлар" унчамунча "юлдуз" жамоаларни ҳам бир ўйинда синдириши табиий. Иккинчи томондан МХСК вакилларининг бу шижоатларига (бухороликлар қатори) қойил бўлиб, қолган учрашувларда чемпионга хос ўйин кўрсатишларига умид боғлаймиз.

Шундай бўлса, "Юлдуз" таркибида чемпион бўлган жамоа кейинги мавсумда ҳам олий лига жадвалида туради, дея олиш мумкин.

Чемпионат пешқадами "Пахтакор" еттинчи турни Бекабодда ўтказди. Олий лиганинг янги вакили, "Металлург"чиларга бу сафар Бекободнинг қайсар шамоллари ҳам ёрдам беролмади. Гарчи мезбонлар пешқадам жамоага муносиб қаршилик кўрсата олган бўлсаларда, меҳмонларнинг учта тўпига битта ҳам жавоб қайтара олмадилар.

"Андижон" жамоасига ишқибозлар томонидан "ғалати" деган ном берилган. Еттинчи турда андижонликлар Тошкент вилоятининг "Дўстлик" жамоасини қабул қилиб, 2:2 ҳисобида дуранг ўйнадилар. Чемпионат бошидан бери, асосан, ҳимояга кўпроқ эътибор бериб ўйнаётган "Андижон" вакиллари биринчи бўлимда меҳмонларни анча шошириб қўйдилар. Андижонлик ишқибозлар ҳам ўз жамоаларини "танимай қолишди". Кетма-кет ёғилаётган ҳужумлар, Евгений Сафанов қўриқлаётган дарвоза олдида пайдо бўлган кўплаб хавфли вазиятлар туфайли майдон мухлислар қичқириғидан ларзага келди. Ўйиннинг бундай тус олишида меҳмонларнинг ҳимоячилари ҳам майдон эгаларига яхшигина ёрдам бердилар. Шу куни Сарвар Шариповдан бошқа ҳимоячиларга Андижон ҳавоси ёқмагандай эди. Аммо мезбон жамоага ҳам мақтов айтишга шошилманг. "Андижон" ҳужумчилари туғилган имкониятларнинг деярли 20 фоизидангина фойдалана олдилар, холос. 25-дақиқада "Андижон диспетчери" Тоҳир Мўминов меҳмонлар жарима майдонига узатган тўпини Б.Ҳамидуллаев дарвозага йўллади. Иккинчи гол ҳам худди шундай йўсинда киритилганди. Фақат бу сафар 38-дақиқада Тоҳир ошириб берган тўп Ширилов бошига тегиб, тўғри дарвоза тўрига бориб тушди.

Учрашувнинг 40-дақиқасида "Дўстлик" сардори Абдуқаҳҳор Маъруфалиевнинг қақшатқич зарбасидан сўнг ҳисоб қисқарди. Шу вазиятдан кейин меҳмонлар ҳам "ўзларига келишди" ва айтиш мумкинки, ташаббусни бутунлай қўлга олдилар. Иккинчи бўлимда Хабибулин -- Маъруфалиев жуфтлиги 54-дақиқада самарали якунланиб, ҳисоб тенглашди ва ўйин охиригача ўзгармай қолди.

Кучли олтиликни кўзлаётган "Хоразм" ҳам ўз майдонида Навоийнинг "Зарафшон" жамоасини 2:0 ҳисобида енгиб, навбатдаги уч очкони қўлга киритди. Ўтган турда Наманганда пешқадамдан "панд еган" Сурхон вилоятининг икки вакили, чемпионат аудсайдери "Косонсой"ни қабул қилиб, 4:0 ҳисобида устун келдилар. Умуман, термизликларнинг бу "иши"ни "акасининг ўчини укасидан" олди дейиш мумкин.

Жанубий воҳанинг иккинчи вакили "Насаф" ҳам бу йил анча юқори маррани кўзлаб ҳаракат қилаётгани кўплаб мухлисларни қувонтирмоқда. Бироқ, аввалги турда "Дўстлик"дан 6:1 ҳисобида енгилиб, шов-шув кўтарган "Темирйўлчи" жамоаси қаршиликларга муносиб қаршилик кўрсатди ва учрашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Фарғонанинг довруғли "Нефтчи"си Тошкентда «Пахтакор»чилардан кичик ҳисобда енгилганди. Бу сафар улар ҳам пойтахтнинг иккинчи вакили "Трактор"ни қабул қилиб, 4:1 ҳисобида устун келдилар. Жиззахда "Сўғдиёна"га қарши майдонга тушган пешқадам "Навбаҳор" жамоаси 3:1 ҳисобида енгилиб "Пахтакор"га йўл берди.

Мазкур турда дарвозаларга 20 марта тўп киритилди. Ўйингоҳларга эса 50 минг томошабин ташриф буюрди. Ўйинчилар ҳам асабларининг нечоғли бақувват ва ўзларининг қанчалик одобли эканликларини "кўрсата" олдилар. Ҳакамлар футболчиларга 34 марта қўл кўтаришди: 28 марта сариқ, 6 сафар эса қизил...

VII турдан кейинги вазият:

"КИМЁГАР" ЧЕКИНДИ...

Биринчи лига вакиллари ҳам VII миллий чемпионатнинг олтинчи тур учрашувларини ўтказдилар. Пешқадамлардан бири "Янгиер" ўз майдонида "Шўртан"ни 2:0 ҳисобида енгган бўлса, иккинчиси Чирчиқнинг "Кимёгар"и Шаҳрихонда "Шаҳрихон" меҳмони бўлиб, 1:1 ҳисобида дурангга эришди. "Кимёгар"нинг бу "чекиниши" янгиерликларнинг якка пешқадам бўлиб олишларига имкон яратиб берди.

Олтинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

"Ситора" -- "Урганч" -- 1:0
"Орол" -- "Хива" -- 1:1
"Цементчи" -- "Роҳат" -- 2:1
"Гулистон" -- "Шўрчи" -- 0:0
"Самарқанд" -- "Машъал" -- 1:0
"Чилонзор" -- "Қизилқум" -- 2:1
"Атласчи" -- "Лочин" -- 3:2
"Тўқимачи" -- "Истиқлол" -- 2:1

Бунақаси ҳали бўлмаган

РОБОТЛАР ФУТБОЛ ЎЙНАЙДИ

Яқинда Японияннинг Негая шаҳрида роботлардан тузилган футбол жамоаларининг чемпионати бўлиб ўтди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мазкур антиқа баҳсларда 8 мамлакатга қарашли 32 жамоа иштирок этди. Барча учрашувларни ғалаба билан якунлаган Японияннинг Осака университети ва Жанубий Калифорния университети "вакил"лари "орани очиқ" қилиш учун майдонга тушдилар. Финал дуранг натижа билан якунланганлиги туфайли бу икки жамоа чемпионлар деб эълон қилинди.

Ушбу чемпионатни кўриш бахтига жуда-жуда оз сонли мухлислар мушарраф бўла олдилар, холос. Уларнинг таъкидлашларича, ғолиб жамоаларнинг ҳар бир темир-футболчиси мустақил ҳаракат қилиш, фикрлаб қарор чиқариш имкониятига эга бўлган. Қолганлари эса умумлаштирилган марказ бошқарувига қарам бўлишган.

МАҲАЛЛА ТЕННИС КОРТИ



Мана бир йилдирки, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Ипакчи" маҳалласида теннис корти фаолият кўрсатмоқда. Илгари "Ипакчи" маҳалласида ёзги спорт майдончаси ҳам бўлмаган. Орадан йиллар ўтиб, маҳаллага чиройли гузар тушди. Унинг бир чеккасида эса замонавий ёпиқ теннис корти.

Теннис кортида нафақат теннис, балки спортнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланиш мумкин. Маҳалла фахрийлари, ёшу кексалар кортга жон деб келишмоқда. Бу ерда айниқса, ишдан сўнг -- дам олиш кунларида бутун оила жам бўлиб, спорт билан шуғулланиш анъана тусини олаяпти.

Муҳаммад АМИН олган суратлар

Эшитдингизми?

«ОЛТИН» - ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРДА

Саудия Арабистонида сув полоси бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Унда Миср, Сурия, Саудия Арабистони ва Ўзбекистон командалари иштирок этди. Бу спорт беллашувида мезбонларнинг икки командаси майдонга чиқди.

Ўзбекистон терма командаси биринчи марта мана шундай халқаро мусобақа ғолиби бўлди. Дастлабки ўйинларда ўзининг барча рақиблари курагини ерга теккизган ўзбек спортчилари финалда тўққиз марта Африка чемпиони, Атлантадаги Ёзги олимпия ўйинларининг кумуш совриндорлари - Миср спортчилари билан учрашдилар.

Муросасиз курашда ўтган бу ўйинда Ўзбекистон командаси 12:7 ҳисобида ғалаба қозонди. Терма командамизнинг Александр Яшнов, Сергей Шабанов, Раис Ковязин, Олег Коряков, Александр Комаров, Руслан Носиров, Евгений Белов, Руслан Чигатаев ва Константин Захаров каби ўйинчилари «олтин»ни қўлга киритишда муносиб ҳисса қўшди. Бу ўринда команданинг бош мураббийси Борис Рустамовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Йигитларимиз олдида энди янада катта синов турибди. Энди улар Бангкокда ўтказиладиган Россия ва Осиё ўйинларининг очиқ чемпионатида иштирок этади.

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Бекободда академик қайиқ эшиш бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда мамлакатимизнинг 116 кучли спортчиси иштирок этди.

Якка тартибдаги мусобақаларда Наталия Богатова ва Константин Пак энг яхши натижага эришди. «Дарғасиз жуфтлик» тоифасида сузишда Анастасия Орехова билан Зарифа Сесинбоева, Баҳодир Давлатёров билан Владимир Грешенко ғолиб деб топилди.

«Жуфтлик» тоифасида сузишда Наталия Богатова билан Севара Ғаниева, Константин Ни билан Василий Чекменев биринчи бўлишди.

Баҳодир Давлатёров, Владимир Гришенко, Садриддин Ғаниев, Денис Митрофанов, Константин Пак, Темур Ғаниев, Дмитрий Тихонов ва Рифъат Сайдалиев «Дарғали саккизлик» тоифасида ғолиб чиқишди.

Баҳодир Давлатёров, Владимир Гришенко, Темур Ғаниев ва Дмитрий Тихоновдан иборат «Дарғасиз тўртлик» маррага биринчи бўлиб етиб келди.

СОВРИНЛАР -- МЕҲМОНЛАРДА КЕТДИ

Андижонда теннис бўйича «Буюк ипак йўли» халқаро мусобақаси ниҳоясига етди. Унда 2О мамлакатдан таниқли спортчилар иштирок этди.

Саралаш олишувларидан сўнг финалда белоруссиялик Максим Мирний ва россиялик Артём Дерипаско учрашдилар. Бу яккама-якка олишувда Максим Мирний ғалаба қозонди.

Жуфтлик тартибда эса, ўзбекистонлик Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевич билан белоруссиялик Максим Мирний ва Андрей Волчковлар куч синашди. Бу олишувда меҳмонларнинг қўли баланд келди.

«Буюк ипак йўли» халқаро мусобақаси ғолибларига қимматбаҳо мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

К.НИЗОМОВ, ЎзА мухбири

МУСОБАҚА ФАЙЗИ

Андижонда 1-Ёшлар ўйини дастурига киритилган баскетбол мусобақалари бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон вакиллари иштирок этишди. Дастлабки ўйинлардан сўнг, Тошкент шаҳри ва самарқандликлар ўз рақибларидан анча устун эканлиги сезилиб қолди. Мусобақанинг "кульминацион нуқтаси" охирги кунги, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти жамоалари ўртасидаги учрашув бўлди. Ўйиннинг бошиданоқ ташаббусни ўз қўлларига олган самарқандлик қизлар деярли олдинда боришди. Натижа 41-41 га етганда пойтахт баскетболчилари рақибларининг хатоларидан усталик билан фойдалана билдилар ва ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилишга муваффақ бўлишди.

Якуний ўринлар:

1. Тошкент шаҳри. 2 Самарқанд. 3. Тошкент вилояти. 4. Бухоро.

5. Қорақалпоғистон. 6. Андижон. 7. Сирдарё. 8. Наманган.

9. Навоий. 10. Қашқадарё. 11. Сурхондарё. 12. Фарғона. 13 Жиззах.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Назокат УСМОНОВА

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97;
хатлар бўлими — 136-54-64;
тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 011128.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 13.080
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.30
1 2 3 4 5 6